ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

28 июль, сешанба 1998 йил №88(590)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

**Ушбу сонда:**

2 НОМ ЎЗГАРДИ, МОҲИЯТ ҲАМ

3 ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

4 2. ФИДОЙИЛАР



## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА 34 КУН ҚОЛДИ

## ҚАНД ЗАВОДИ ТАЙЁР!



*Хоразмнинг «Дўстлик» шаҳарида қурилаётган йирик қанд заводида сўнгги монтаж ишлари тугалланди. Туркия қурувчилари билан ҳамкорликда барпо этилган завод байрам орафасида ишга туширилади. Демак кўп ўтмай мамлакатимиз бозорларида завод маҳсулоти - қанд пайдо бўлади. Маълумки завод кунига 3 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлаш қувватига эгадир.*

**Суратларда: ўзбек ва турк қурувчилари завод қурилиши тугалланиши билан бир-бирларини қутлашмоқда: қанд заводи кўриниши.**

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) суратлари.

*Истиқлол неъмати:*

## «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА»

**Бухоро шаҳрининг тарихий жойларидан бири бўлган «Ситораи Моҳи Хоса»нинг тарихини кўпчилик билади. Унинг касаба уюшмалари тасарруфига ўтиб, кишилар саломатлиги йўлида фаолият кўрсатаётганига ҳам анча йиллар бўлди. Аммо мустақиллик йилларида бу сиҳатгоҳга алоҳида эътибор қаратилди. Истиқлолнинг ЕТТИНЧИ йилида эса у ўзининг батамом янги қиёфаси, янги бинолари, янгича даволаш имкониятлари билан юз очди.**

Яқинда бу сиҳатгоҳнинг таъмирланиб, қўшимча бинолар қурилиб ишга туширилиши муносабати билан қайта очилиш маросими бўлиб ўтди.

Даво масканида бу ишларни амалга ошириш учун Республика касаба уюшмалари 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади. **Меҳнаткашлар саломатлиги, уларнинг моддий-маънавий фаровонлигини ўзининг устивор вазифаларидан бири** деб ҳисоблаган касаба уюшмалари бу сиҳатгоҳ фаолиятини яна кенгайтиришга бўлган эътибори бежиз эмас албатта.

Бу сиҳатгоҳнинг инсон саломатлигини тиклашда самараси катта. Бу ернинг шифобахш суви, ошқозон-ичак, буйрак хасталикларини муолажалашдаги тажрибаси аллақачон элга ёйилган эди. Қайта очилишдан аввал бу сиҳатгоҳ 150 ўринга мўлжалланган бўлса, энди бу ерда бир йўла 320 бемор ўз соғлигини тиклайди. Бу ердан шифо топаётганларнинг ва шифо истаб келаётганларнинг хоҳиши ҳам касаба уюшмаларининг бу ишга эътиборини янада оширди.

- Бу ерда бир марта даволанганлар,-дейди бош шифокор Абдулла Ҳакимов.-Кейинги йилда келиб, яна даволанишни давом эттиришни сўрашяпти. Бу аввало уларнинг бу ердаги муолажадан, шарт-шароитдан мамнунлигини билдиради. Шунинг учун касаба уюшмалари Федерациясидан ва санаторий-курортлар Бош бошқармасининг бу ишга бўлган эътиборини ҳаёт тақозосини ўз вақтида англаб етиш деб баҳолайман.

Биз бу ерда суҳбатлашганлардан бири кемеровалик аёл ўз ҳаяжонини яширмади:

- Мен агар шу сиҳатгоҳ билан ҳаётимни боғламаганимда, соғайиб кетишимга ишонмасдим.

Ҳа, айтмоқчи, бу сиҳатгоҳда шифо топаётганларнинг 30-40 фоизи Россия ва бошқа мамлакатлар фуқаролари экан. Бу ҳам эътиборни тортадиган ҳолат. Ахир улар дам олиш, даволаниш бўйича номи чиққан мамлакатларга эмас, Ўзбекистонга - «Ситораи Моҳи Хоса»га йўлланма олишаётган экан бу ҳам бу ерда амалга оширилган ишлар натижасини кўрсатади.

*Суратда: сиҳатгоҳ кўриниши.*

## КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

**Элликқалъа тумани «Шарбат» консерва заводи директори Ҳожибой ЯНГИБОЕВ.**

**1. Мустақиллик сизнинг тақдирингизда.**

**2.Истиқлолнинг еттинчи йили. Қандай ўзгаришлар ҳис этаяпсиз?**

**3. Мустақил она-юртнинг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?**

Биз бир нарсани асло унутмаслигимиз лозим: баъзилар енгил-елпи фикрлаганларидек, истиқлол, мамлакат мустақиллиги, ҳақиқий озодликка осонлик билан эришилгани йўқ! Миллионлаб энг сара фарзандлар қони ва жони эвазига қўлга киритилган бу неъмат!

Мустақилликни қандай тушуниш, уни мастаҳкамлаш, шу йўлда фидокорлик кўрсатишда мен муҳтарам Президентимиз И.Каримовдан намуна олиш, лозим деб ўйлайман. Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида 1998 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотлар устивор йўналишларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бағишлаган мажлисдаги нутқиёқ моҳият эътибори билан буюк ватанпарварлик тимсолидир. Демак, мустақилликни мустаҳкамлаш узоқни кўра билган ҳолда Ватан, эл-юрт деб ёниб яшашдир! Мустақиллик-ҳар кимнинг ҳар кун савоб иш қилиши, истиқлол берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, унинг инсонлар учун хизмат қилишини таъминлашдир. Бунинг учун шубҳасиз, барча асослар бор. Ҳуқуқий давлат қураётирмиз. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, жаҳон тан олган машҳур беш тамойилларга қатъий амал қилинмоқда. Энг муҳими, бу беш тамойилларнинг биттаси инсон манфаатларини кучли ҳимоя қилишга қаратилганлигидир.

Маълумки, бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтишда ҳеч қачон осон кечмаган. Ахир айтишади-ку: -«Дард ботмонлаб киради, мисқоллаб чиқади»,-деб. Бизда ҳам худди шундай бўлди. Дастлаб қийинчиликларга дуч келдик. Баъзи муаммоларни, қийинчиликларни эса айрим «дўстларимиз» сунъий равишда яратдилар.

*Истиқлол истиқболи*

Жуда катта меҳнатлар, изчил ҳаракатлар боис етти йилда катта пойдевор қўйилди. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистонни жаҳон тан олди. Асакадаги мўъжиза-автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қад ростлаган қўшма корхоналар бугун рақобатбардошли товарлар ишлаб чиқармоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида тадбиркорликка кенг йўл очилди. Кичик ва ўрта бизнес гуллаб яшнашга юз тутди. Етти йилдаги ўзгаришлар хусусида сўз юритадиган бўлсак, 1994 йилда Элликқалъада «Элтекс», сал кейинроқ Нукус шаҳрида «Катекс» тўқимачилик мажмуалари ишга туширилди. Шунингдек, Хўжайлида шиша, Нукусда мармар заводи, спирт ишлаб чиқариш цехи, Қўнғирот ва Тўрткўл шаҳарларида ун комбинатлари, замонавий «Винклер» технологияси билан ишловчи нонвойхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Экологик офат зонасидаги Қорақалпоғистонда аҳолининг 60 фоизи тоза ичимлик суви, салкам 85 фоизи табиий газдан баҳраманд бўлмоқда. Орол-бўйи ҳудуди ер ости қазилмаларига бой. Тошкентдаги «Ўзбекистоннинг Уст юрт минтақаси нефть-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига Президент И.Каримовнинг табрикномасида алоҳида таъкидлаганидек, Қорақалпоғистонда нефть ва газ тармоғининг истиқболи катта.

Шу кеча кундузда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводи «Нукус-Тўрткўл-Учқудуқ» темир йўли, «Қўнғирот-Бейнеу» тош йўли қурилмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар ривожланмоқда. Қўнғирот сода заводини бунёд қилишга Германиянинг «Берлинер банки»дан, Нукус шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Қувайт жамғармасидан, Хўжайли кема таъмирлаш заводига эса Малайзиянинг «Альфа-Съера» фирмаси билан ҳамкорликдаги корхонани ташкил этиш учун сармоя олиш режалаштирилган.

Демак, мамлакатимизнинг ажралмас қисми бўлган Қорақалпоғистон, шу жумладан, бизнинг Элликқалъа тумани ҳам Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутишида муносиб ҳисса қўшмоқда. Бунда, шубҳасиз, Президент танлаган йўл-босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиш ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Бу йўналишда ҳеч шубҳасиз, яна 5-10 йилдан сўнг ўлкамиз энг ривожланган мамлакатлар билан бемалол бўйлашганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Бизнинг «Шарбат» деб номланган корхонамиз ҳақиқий маънода мустақиллик мевасидир. У 1996 йили ишга туширилди. Қуввати йилига 3 миллион дона шартли банка консервалар, шарбатлар тайёрлашга мўлжалланган. Энг муҳими, мактабни битказган овул ёшларидан 100 нафари муқим иш жойига эга бўлишди. Ўтган йили 12 миллион сўм фойда олдик. Меҳнаткашлар дастурхонини сифатли консерва ва шарбатлар билан таъминладик. Маҳсулотнинг бир қисмини Россия Федерациясига олиб бориб сотдик.

Ҳозир корхонани тўла қувват билан ишлатиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хорижий сармоядорларни жалб этиш юзасидан аниқ тадбирларимиз бор.

Шу кеча-кундузда тайёр маҳсулотлар етказиб бериш учун барча воситалар сафарбар этилди. Ҳомашё асосан ўзимизга биркитиб берилган уч гектарлик ердан олинмоқда. Қисқа муддатда мураккаб асбоб-ускуналарни бошқаришни ўзлаштириб олган Ойбек Эшниёзов, Ҳусанбой Эшчонов, Ғавҳар Исмоилова ва Шоназар Сапоев сингари ёшларимиз ўз касбининг усталари бўлиб етишди. Корхонамизнинг ҳар бир ишчиси «Мен шу юрт, шу халқ фарзанди бўлган ҳолда мамлакат мустақиллиги учун шу Ватанга нима бердим?»-деган ўй билан ёниб яшамоқда.

Абду РАҲМОН тайёрлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 28 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 61,59 |
| 1 Австрия шиллинги | 8,02 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 166,15 |
| 10 Бельгия франки | 27,35 |
| 1 Голландия гульдени | 49,99 |
| 10 Греция драхмаси | 3,39 |
| 1 Дания кронаси | 14,80 |
| 1 БАА дирхами | 27,29 |
| 1 АҚШ доллари | 100,24 |
| 1 Миср фунти | 29,42 |
| 1 Ирландия фунти | 141,61 |
| 1 Исландия кронаси | 1,41 |
| 10 Испания песети | 6,65 |
| 100 Италия лираси | 5,72 |
| 1 Канада доллари | 66,74 |
| 10 Хитой юани | 12,11 |
| 1 Қувайт динори | 331,92 |
| 100 Ливан фунти | 6,65 |
| 1 Малайзия ринггити | 24,24 |
| 1 Германия маркаси | 56,36 |
| 1 Норвегия кронаси | 13,32 |
| 1 Польша злотийси | 29,13 |
| 10 Португалия эскудоси | 5,53 |
| 1 Сингапур доллари | 58,38 |
| 1 СДР | 133,84 |
| 1000 Туркия лираси | 0,37 |
| 1 Финляндия маркаси | 18,56 |
| 1 Франция франки | 16,82 |
| 1 Швеция кронаси | 12,77 |
| 1 Швейцария франки | 67,03 |
| 1 ЭКЮ | 111,29 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,83 |
| 10 Япония иенаси | 7,07 |
| 1 Россия рубли | 16,10 |
| 1 Украина гривнаси | 47,33 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,45 |
| 1 Латвия лати | 167,07 |
| 1 Литва лити | 25,06 |
| 1 Молдова лейи | 21,10 |
| 1 Қирғизистон соми | 5,15 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## Аллома юбилейига бағишлаб

**Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги Қарорига асосан Ўзбекистон Бадиий академияси Фарғона вилоят ҳокимлиги билан биргаликда юбилей эмблемасини яратишга танлов эълон қилган эди. Унда мамлакатимизнинг кўпгина таниқли мусаввирлари, ҳаваскор рассомлари қатнашди. Танловга тақдим этилган лойиҳалар ичидан Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қутлуғ Башаров яратган рамз ғолиб деб топилди ва у республика ташкилий қўмитаси томонидан юбилей эмблемаси сифатида тасдиқланди.**

**Асарлари жаҳоннинг саксондан ортиқ давлатидаги музейларда, шахсий коллекцияларда сақланаётган рассом Беруний, Хоразмий, Навоий каби Шарқ мутафаккирларининг портретларини яратган. Аҳмад ал-Фарғоний юбилейи муносабати билан таниқли мусаввир шу кунлари Бадиий академия ташкил этадиган кўргазмада иштирок этишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Қ.Башаров аллома ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи учта триптих яратяпти. Бу ҳам ижодкорнинг буюк ватандошимиз юбилейига муносиб совғаси бўлади.**

Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

## Республика биржаларида

Тошкент республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 46 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 147,3 мингта акциялари ҳисобига-57,5 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар.

Савдо жараёнида «Сардоба парранда» ҳиссадор жамияти юқори самарадорликка эришди. Бу жамият ҳам 10,4 миллион сўмлик акцияларини сотилишига эришдилар. Шуни қайд қилиш керакки-43 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан 1739,5 мингта акциялар сотилди.

* * *

Республика Кўчмас мулк биржаси ким ошди савдосида-212 та иншоотлар янги мулкдорлар қўлига ўтди. Уларнинг сотилиш суммаси-54453,3 минг сўмни ташкил қилди.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг барча бўлимларида сотилиш нархи бошланғич нархига нисбатан-1,06 мартага ошди.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### ҲИНДИСТОН УМИД ҚИЛМОҚДА

**Ҳиндистон ҳукуматининг умид билдиришича, Америка Қўшма Штатлари ушбу давлатни ядровий мамлакат сифатида албатта тан олади. Ҳиндистон мудофаа ишлари вазири Жорж Фернандеснинг берган баёнотига кўра, АҚШ билан Ҳиндистон ўртасидаги бу борадаги музокаралар самарали давом этмоқда. Фернандес август ойида Вашингтонда бўлиб ўтадиган музокаралар ҳам Деҳли фойдасига ҳал бўлади деб таъкидлади. Шунингдек, мудофаа вазирининг фикрича, тез орада Америка Қўшма Штатлари Ҳиндистонга нисбатан жорий этган иқтисодий жазо чораларини ҳам бекор қилади.**

### АРМАНИСТОН СИЁСАТДОНИ ХАЛҚАРО МУКОФОТ ОЛАДИ

Арманистон Президентининг инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчиси Пауер Айрекян Бирлашган миллатлар ташкилотининг инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича энг фаол сиёсатдонларга берилувчи халқаро мукофотига лойиқ деб топилди. Арманистон инсон ҳуқуқлари арбобининг номзоди халқаро мукофот учун БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мэри Робинсон томонидан ҳам маъқулланди.

### АСЕАН АНЖУМАНИ

**Филиппин пойтахти Манила шаҳрида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси "АСЕАН анжумани давом этмоқда. Унда ташкилотга аъзо тўққиз давлат ташқи ишлар вазирлари иштирок этмоқдалар. Анжуманда асосан Жануби-Шарқий Осиё минтақаси давлатларининг ўзаро алоқалари ҳамда минтақадаги молиявий инқирозни бартараф этиш масалалари муҳокама этилмоқда.**

### КАВКАЗ МУСУЛМОНЛАРИ ВАҲҲОБИЙЛАРГА ҚАРШИ

Чеченистонда шимолий Кавказ мусулмонлари Конгресси бўлиб ўтмоқда. Конгресс иштирокчилари Россияни ваҳҳобийликни қўллаб-қувватлаётганликда айбладилар. Россия Президенти ҳузуридаги махсус комиссия ваҳҳобийларни экстремистик куч эмаслигини тан олган эди. Шимолий Кавказ мусулмонлари Конгресси иштирокчиларининг фикрича, Россия бу билан ваҳҳобийларнинг жамият учун қанчалар зарарли эканини тушуниб етмаяпти.

### ЖИНОЯТЧИЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

**Шимолий Осетияда сўнгги вақтда жиноятчилик кескин ошиб кетди. Шимолий Осетия ички ишлар вазири Казбек Сантиевнинг баёнотига кўра, мамлакатда энг оғир жиноятлар " одам ўлдириш, одамларни гаровга олиш, наркотик моддалар билан савдо қилиш сўнгги бир неча ҳафта ичида жуда кўпайиб кетган. Шимолий Осетия ҳукумати бу борада кескин чораларни қўллашга қарор қилган.**

### БОШ ВАЗИР ТАЙИН

**Токиода бўлиб ўтган сайловларда Япония Либерал-демократлар партияси раҳбари этиб мамлакат ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути сайланди. Энди Кейдзо Обути Рютаро Хасимотодан кейин бўшаб қолган Япония Бош вазири лавозимини ҳам эгаллаши турган гап.**

«Жаҳон» ахборот агентликлари хабарлари асосида.

*Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

*Мустақиллик шиори: устувор йўналишларимиздан бири — СОҒЛОМЛАШТИРИШ*

# НОМ ЎЗГАРДИ, МОҲИЯТ ҲАМ

**Ҳа, илгари Луначарское номли эди, энди «Турон» деб номланди. Мустақиллик номларни ўзгартди ва унинг моҳиятига янги мазмун олиб кирди. Собиқ совет ҳукумати пайтида ҳам мазкур санаторий юрак-қон томир касалликларини даволашга йўналтирилган яхши санаторийлардан бири ҳисобланар эди. Тўғри, мустақилликка эришилгандан сўнг, дастлабки вақтларда анча қийинчиликлар юз берди, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналарни таъмирлаш, янгиларини топиб олиб келиш турли таъминот ишлари ва бошқалар.**

**Мустақил республикамизда соғломлаштириш ишларини яхшилаш юзасидан залварли тадбирлар тузила бошланди. Президент томонидан «Соғлом авлод учун» Фармони эълон қилинди, булар янги булоқлар кўзини оча бошлади. Янгича фикр юритиш ижодкорлик билан ишлаш, ташаббускорлик билан ишлаш йўлида катта имкониятлар очилди. Айниқса, кейинги уч йилда санаторийда даволаш ишларида қиёслаб бўлмайдиган даражада жуда катта ўзгаришлар содир бўлди.**

**Илгари одамлар айрим касалликлар бўйича Россия, ҳозирги мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги курортларга бориб даволаниб келишарди. Шу ернинг ўзида, юқори даражада даволанишни ташкил этиш масаласи қўйилди. Кейинги йилларда неврология, гинекология ва андрология бўлимлари очилди. Ошқозон-ичак йўллари касалликлари бўйича даволаш юзасидан катта ишлар олиб борилаяпти. Лабораторийлар очилди, компьютер асосида юрак хасталикларини текшириш ва ташхис қўйиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳозир эллик хилдан зиёд даволаш усуллари қўлланилмоқда.**

**- Бу ишларни амалга ошириш учун,- дейди «Турон» санаторийси бош шифокори Мирабзал Маҳмудович Юнусов,- сиҳатгоҳимиз етарли даражада юқори малакали шифокорлар, ўрта тиббий ходимлар, зарур мутахассислар ва моддий-техник база билан таъминланган.**

## ДАРД КЎРМАГАНДЕК БЎЛИБ КЕТИШАЯПТИ

*Суратда: Марҳабо Султонхўжаева олий тоифали шифокор. У функционал ташхис тиббий ускунаси ёрдамида таҳлилий иш олиб бормоқда.*

Ҳа, энди ўзбекистонликларга Пятигорск курортига боришга ҳожат қолмади. Илгари родон суви билан муолажага муҳтож кишилар Пятигорскка бормасалар ҳожатлари чиқмасди. Мана энди мустақил республикамизда бу масала тўла ҳал бўлди.

Газетхонларнинг ёдида бўлса, бир пайтлар мазкур санаторийда родон суви билан даволаш бошланибди деган хабарлар бўлганди. Тўғри, шундай иш тажриба сифатида, кичик ҳажмда очилди. Тўхтаб қолди. Сўнг яна иш юришгандек бўлди, талабга жавоб бермагани учун ёпилди. Шу тахлитда бордек ва йўқдек бўлиб юрарди. Уч йил муқаддам санаторий раҳбарияти Ядро физикаси институти олимларига мурожаат этиб алоқани мустаҳкамлади, ўрганиш ишлари олиб борилди. Институтнинг олимлари шифокорлар билан ҳамкорликда родон даволаш суви яратилди. Санаторийда лаборатория такомилга етказиб ишга туширилди.

Родон билан даволаш туфайли кўплаб оғир беморлар дард кўрмагандек бўлиб кетишаяпти. Бироз кўпол бўлсада айтайлик йиллаб каппалаб кимёвий дорилар ичиб, уколлар олиб, оғриқдан ранглари чиқмай қолган, юра олмай чўлоқ даражасига келиб қолганлар, санаторийда родон суви билан муолажалар олиб ҳассани улоқтириб қувончлари ичларига сиғмай уйларига қайтмоқдалар. Йиллаб аллергик касал бўлиб, кафтлаб дори ютиб юрганлар ҳам шу ердан шифо топмоқдалар. Умуман бу хил даволанишнинг шарофати билан бўғин, қуйиш, тери, қичима-экзема-псориаз каби касалликлар билан дард чекканлар улардан фориғ бўлмоқдалар.

## КЛИНИК САНАТОРИЙ

Юқорида таъкидлаганимиздек мустақиллик йиллари санаторий учун даволаш ишларида янги уфқлар сари интилиш йиллари бўлди. Даволашнинг янги йигирмага яқин усуллари жорий этилди, янги энг замонавий тиббий ускуналар ўрнатилди, компьютерлар ишга туширилди. 1997 йил «Турон» санаторийсига Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги коллегиясининг қарори билан 1997 йил клиник санаторий деб ном берилди. Бу эса даволаш муассасасининг муносиб илмий марказ даражасига етганлигининг далолатидир. Бу ерда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг физиотерапия ва курортология кафедрасининг бир қисми жойлаштирилди. Билимдон, зукко профессорлар илмий ходимлар беморларни қабул қиладилар. Ундан ташқари санаторий шифокорлари билан ишлайдилар, уларнинг касб маҳоратларини оширишга, илғор тажрибаларни ўрганишга ёрдам берадилар.

Кейинги йилларда «Турон» сиҳатгоҳи ҳузурида, илғор тажрибалар асосида республикадаги бошқа санаторийлардаги шифокорларнинг малакасини ошириш ҳам йўлга қўйилди.

Жаҳон статистикаси бўйича инфаркт бўлганлар, махсус соғлиқни қайта тиклаш жойларида даволанмасалар уларнинг 90 фоизи ногирон бўлиб қоладилар. Инфаркт-соғлиқни қайта тиклаш бўлимида талаб даражасида даволансалар уларнинг 50 фоизи ҳаётга қайта тикланади. Сиҳатгоҳда инфаркт-соғлиқни қайта тиклаш бўлими мавжуд. У лозим замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали шифокорлар ишлашади.

Шифохоналардан бундай касалликнинг оғир жараёнини бошидан кечирганлар бу ерга юборилади ва даволанади. Бу ишда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бош-қош. Федерация маблағ ажратади ва улар бепул даволанадилар.

Умуман санаторийда янгича ташхис қўйиш ва даволаш усуллари кенг жорий этилмоқда. Даволанувчиларнинг талаблари, эҳтиёжлари, шарт-шароитлари ҳисобга олиниб қулайликлар, янгиликлар яратилмоқда, даволашнинг энг замонавий усуллари жорий этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам санаторийда лазеротерапия, лазер ёрдамида ташхис қўйиш игна-рефлекс-терапия, мануаль терапия, электрокардиография, шифобахш балчиқ билан даволаш, ичакларни, гинекологик касалликларни минераллашган сув билан даволаш каби усулларни қўллаш ва бошқа даволашлар ни жорий этиш туфайли жуда яхши натижаларга эришилмоқда. Шунингдек, механо-терапия яхши букилмайдиган бўғинларни ишлатиб юбориш усулларидан беморлар кўп баҳраманд бўлмоқдалар. Бўғинлари оғриган, туз йиғилган, оғриқлардан азобда бўлиб йил бўйи укол олиб юрган кишиларнинг сув остида бўғинларни тортиб жойига солиш, қуруқ ҳолда бўйин бўғинларини тортиб солиш остеохондроз, умуртқа туз алмашуви жараёни бузилишидан халос бўлиб, сиҳатгоҳдан онадан қайта туғилгандек қушдек енгил бўлиб чиқиб кетаётганларидаги мамнунликларини кўрсангиз эди.

Бу ерда даволанаётган кишилар билан суҳбатлашдик.

Ғайрат Жалолов: Республика Давлат маданият институти кафедра мудири, фан доктори: Мен Кавказда Ялтада яна қатор жойлардаги санаторийларда даволанганман. «Турон»нинг у сиҳатгоҳларидан қолишадиган жойи йўқ. Деярлик ҳамма даво бор ва юқори даражада об-ҳавоси Тошкент шаҳридан 5-6 даражада салқин юради. Овқатлар хилма-хил мазали тайёрланади.

Шодиқул Назаров - Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги маҳалла қўмитасининг раиси. Иккинчи жаҳон уруши ногирони: Тиббий ходимлар жуда меҳрибон, ётоқхоналар келинчакнинг уйидек йиғиштироғлиқ, озода, саранжом. Деярлик ҳар куни кечкурун оммавий тадбирлар ўтказиб турилади.

*Суратда: гуллар билан безанган кенг ва ёруғ емакхона кўриниши.*

**В.ПОРТНОВ олган суратлар.**

## МИРАБЗАЛ АКАНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИ

«Ишонч» газетасини кузатиб бораман. Касаба уюшмалари ишлари, шунингдек, соғломлаштириш, дам олиш ишларида илғор тажрибаларни оммалаштириш, ташвиқот қилишда турли жанрларда яна ҳам кўпроқ материаллар беради деган умиддаман. Чунки, у бизнинг газетамиз.

Бундан анча йил муқаддам, бизни тажриба алмашиш юзасидан бошқа юртга юборишди. Уша сиҳатгоҳнинг бошлиғи жуда катта олим ва амалиётчи, ташаббускор ва янгиликпарвар одам экан. Душанба ходимларига «шанба, якшанба нима қилдинг» деб сўраркан, яъни дам олдингми, йўқми деган маънода. Киши меҳнат ва дам олиш вақтини тўғри ташкил этса, унумли меҳнат қилади, соғ-саломат бўлади.

Республикамиз мустақилликка эришди. Энди халқимиз саломатлиги ҳақида кўпроқ қайғуришимиз керак. Соғлиқни сақлаш ишига миллий бойлик сифатида қарашимиз даркор.

Шу ўринда касаба уюшма ходимлари ва поликлиникада ишловчи ҳамкасбларимга айтадиган фикрларим, илтимосларим бор. Албатта санаторийларга йўлланмаларни тўғри тақсимлаш касаба уюшма ходимларининг иши. Шундай ҳоллар юз бермоқдаки йўлланмалар уша кишининг касаллигига тўғри келмайдиган санаторийларга бериб юборилади.

Поликлиникадаги айрим шифокорлар ҳам йўлланмани кўргач, тўғри келадими, йўқми курорт картасини тўлатиб бераверадилар. Шундан кейин бир йилда бир марта йўлланма олган, даволаниш умидида бўлган киши бориб келади-ю нафи деярлик бўлмайди. Йўлланма баҳоси, йўл кира эса ҳозир оз турмайди. Баъзан эса бемор уша санаторийга қабул қилинмайди. Худо сақласин йўлда бахтсиз воқеа юз берса ундан ёмони йўқ.

Шу йилнинг июль ойида бир воқеа юз берди. Ҳатирчидан Р.Мўминов йўлланма билан санаторийга келтирилди. Юраги безовта қилади, нафаси қисади. Ранги кўкариб кетган. Поликлиникада шифокор яхши кўрмаган, тўғри ташхис қўймаган. Шифокор ҳатто синчиклаб касалнинг ўпкасини эшитиб кўрмаган. Йўлланмани кўргану курорт картани ёзиб бераверган. Аслида шифокор уни шифохонага жўнатиши керак эди. Йўлда жуда оғир ҳолатга тушиб қолади. Биз унинг аҳволини ўрганиб, биринчи ёрдамни бериб Тошкент Давлат тиббиёт институтининг клиникасига ётқизишга мажбур бўлдик.

Баъзан соғлиғи санаторийда эмас шифохонада даволаниши керак бўлган беморлар келиб қолишади. Натижада йўлланмалардан самарали фойдаланиш ишига зарар етади. Ноилож ларини яъни уйига қайтса йўлда оғир аҳволда қолиши мумкинларни Тошкент шаҳридаги шифохоналарга жойлаштирамиз. Ўзлари хафа бўлишади, бошқа вилоятдан келганларнинг уйидагилар бу воқеалардан бехабар қолиб ташвишли ҳолатлар содир бўлади.

Биз санаторийга қабул қилишда батамом тиббий қўрикдан ўтказамиз. Еки бошқача қилиб айтганда дам олувчининг барча органларини турли замонавий тиббий ускуналар ёрдамида текширувдан ўтказамиз ва шунга қараб барча воситалар ёрдамида даволаймиз. Баъзан айрим касалликларнинг бошланиш босқичи бўлади ва вақтида олди олинади.

## КЎТАРИНКИ РУҲ КЕРАК



**Суратда: Шариф Валиев Мануаль терапия билан шуғулланади. Остеохондроз касаллиги билан оғриган беморларнинг аксарияти унинг «мўъжизавий қўли» сехри туфайли дарддан фориғ бўлиб кетишади.**

Дам олиш ва даволанишга келган одамнинг кайфияти ҳам кўтаринки рухда бўлиши керак. Шунинг учун санаторийда қатор ташкилий, оммавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги вақтларда сиҳатгоҳларнинг талаблари, янгича эҳтиёжлари пайдо бўлмоқда. Улар ҳисобга олиниб кейинги уч йилда йигирмадан зиёд люкс хоналари ташкил этилди. Санаторий-курортлар бошқармаси ёрдамида 6 миллион сўмлик АҚШда ишлаб чиқарилган махсус тиббий юмшоқ мебеллар сотиб олинди. Санаторийда параболик антенналар ўрнатилиши сиҳатгоҳга келганлар учун жуда кўнгилли воқеа бўлди. Республика миллий банки ҳомийлигида юз номерли телефон станцияси ўрнатилди. Санаторийда каттагина китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона бор. Маданий-оммавий ишлар ва концерт зали мавжуд. Соя-салқин жойда бир пиёла чой устида суҳбатлашиш учун мўъжаз чойхона доимо очиқ.

Сиҳатгоҳга келганларнинг талабига қараб Тошкент шаҳрининг зиёратгоҳ жойларига, Бўстонлиқнинг табиати қўйнига экскурсиялар уюштирилади. Концерт, театрларга олиб борилади.

Кўп ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси яқиндан ёрдам бермоқда. Бу йил касаба уюшмалари Федерацияси ёрдами билан сиҳатгоҳ учун жаҳон андозаларига жавоб берувчи икки қаватли коттеж усулидаги ётоқхона биноси қурилиши бошлаб юборилди. Унинг учун 30 миллион сўм ажратилди.

Мазкур санаторийда даволанишга келувчиларнинг талаблари катталиги ҳисобга олиниб, бундай бунёдкорликни босқичма-босқич давом эттириш режалаштирилган.

«Турон» санаторийси раҳбарияти ўз фаолиятида йўлланмалар нархини бир меъёрда ушлаб туриш, қимматлашиб кетмаслиги учун ҳам ҳаракат қилмоқда, бу борада бор имкониятларни ишга солмоқда.

Санаторий-курортлар бошқармаси илгари бошқа санаторий ихтиёрида бўлган, бир неча йилдан бери зарар билан ишлаётган Қибрайдаги 185 гектар ер майдони бўлган ёрдамчи хўжаликни 1997 йил кеч кузагида «Турон» санаторийси ҳисобига ўтказди. Сиҳатгоҳ раҳбарияти пухта режа ишлаб чиқди. 40 гектар ерга буғдой экилди. Гектаридан 30 центнердан ҳосил олиниб 120 тоннаси давлатга топширилди. 40 тоннаси санаторий озиқ-овқат заҳирасига ғамлаб қўйилди. Буғдойнинг ўзидан бир ярим миллион сўм атрофида даромад олиш кутилмоқда. 74 та қора мол сут ва гўшт учун боқилмоқда. Ҳар куни 110-140 литр сут соғиб олиниб ёрдамчи хўжаликка яқин бўлган «Бўстон» санаторийсига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

***Ёрдамчи хўжалик ерларига турли сабзавот ва полиз экинлари экилиб, ўз сиҳатгоҳлари эҳтиёжи қондирилган ҳолда, яна касаба уюшмаларининг яқинда жойлашган санаторийларини ҳам арзон сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш режалаштирилган. Яқин кунларда дастлабки ҳосил сиҳатгоҳларга жўнатилади.***

**Будир ПЎЛАТОВ.**

*Шарҳловчи минбари*

# ОКЕАН ОРТИДАГИ ДЎСТИМИЗНИНГ ҲИММАТИ

**Тошкентдаги Америка Ахборот Марказида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Жозеф Пресселнинг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Матбуот анжумани Ўзбекистоннинг яқинлашиб келаётган миллий байрами Мустақилликнинг етти йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Америка элчиси Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон ҳамда бутун Америка халқи номидан самимий табриклаб, ўзининг эзгу тилакларини билдирди.**

Жаноб Жозеф Пресселнинг айтишича, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтаётган етти йил давомида улкан ютуқларга эришди. Бу ютуқларни ички ва ташқи сиёсий фаолиятда ҳам, иқтисодда ҳам, хориж билан савдо-иқтисодий муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистоннинг қисқа муддат ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва жамиятни демократлаштириш соҳасида катта натижаларга эриша олгани юксак эътирофга лойиқдир. Шунингдек, АҚШ элчиси Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Жозеф Пресселнинг Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларни юқори баҳолади ва бу муносабатлар йилдан-йилга изчил ва мунтазам ривожланиб бораётганини қайд этди. Айниқса, давлатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмининг ўсиб бораётгани, ҳар икки томон демократик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик, ахборот алмашиш соҳаларидаги алоқалар Ўзбек-Америка дўстлиги равнақига хизмат қилмоқда. Элчи жаноблари икки давлат муносабатлари бундан буён ҳам жадал ривожланиб боришига умид билдирди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг ютуқ ва зафарларига шодланиш билан бир қаторда, халқимиз бошига мусибат тушганида чин дўстлар таомилини амалга ошириб келмоқда. Жаноб Жозеф Пресселнинг маълум қилишича, яқинда юртимизнинг Фарғона вилоятидаги Шоҳимардон қишлоғида рўй берган сув тошқини ва унда кўплаб одамларнинг қурбон бўлгани Америка халқи ва ҳукуматини ларзага солди. Элчи жаноблари шу муносабат билан Президент Билл Клинтон ва Америка халқи номидан Ўзбекистон аҳлига, айниқса, табиий офатдан азият чекканларга ҳамдарлик билдирди. Маълум бўлишича, АҚШнинг Халқаро Тараққиёт Агентлиги Шоҳимардон фожеасида азият кўрганлар учун 25 минг доллар миқдорида грант ажратган. Мазкур маблағ Тошкентдаги Америка Ахборот Маркази биносида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вакилларига тантанали суратда топширилди. АҚШ элчиси Жозеф Пресселнинг айтишича, мазкур маблағ Америка томонидан Шоҳимардон учун ажратилган биринчи грант бўлиб, АҚШ томони Ўзбекистон ҳукумати билан табиий офат оқибатларини бартараф этишнинг бошқа йўлларида кўмак бериш борасида ҳам фикр алмашмоқда. Америка Қўшма Штатлари ажратган 25 минг доллар маблағ Шоҳимардоннинг сув тошқинидан зарар кўрган аҳли учун энг зарур нарсалар озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-ёстиқлар сотиб олиш учун, транспорт ва ишчи хизматига тўлов тариқасида ишлатилади.

— АҚШ ҳукумати умид қиладики, — деди биз билан суҳбатда Америка элчиси жаноб Прессел, — мазкур ёрдам маблағи Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида содир бўлган машъум фалокат оқибатларига ва қийинчиликларига барҳам беришда ўз ҳиссасини қўшади.

Америка Қўшма Штатлари томонидан ажратилган ушбу биринчи грант Ўзбекистон халқи бошига тушган мусибат Америка халқи ва раҳбариятини бефарқ қолдирмаганлигини кўрсатиш билан бир қаторда, океан ортидаги дўстимиз бизга қанчалар катта хайрихоҳлик билан қарашини намойиш этди.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ**
**шарҳловчи**

# ЯНГИ РАЙС «ҚАЙСАР» ЧИҚДИ

**Бунисиям кўпга чидамайди. Ўзини ўққа-чўққа урадида ҳолдан тояди, ҳеч нарса қилолмагач кетворади.**

Одил Эргашев «Навоийюктранс-34» ҳиссадорлик жамиятига бош бўлганида айрим кишилар кўнглига шундай фикр келган эди. Йўқ, улар янглишдилар. Янги раҳбар ушлаганини қўлидан чиқармайдиган «қайсар» чиқиб қолди. Бир ҳисобда оғзига кучи етмаганлар сўзида жон бор эдида! Негаки жамият оғир аҳволда қолган, ишчи-хизматчилар бир неча ойдан бери маошларини олмаган эдилар. Ҳа, қийин палла эди, ўшанда. Шунда янги раҳбарнинг тадбиркорлигию ишбилармонлиги қўл келди. Машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини топиш, келтириш учун елди югурди. Албатта бу осонликча кечмади. Хазинасида ҳеч вақоси бўлмаган жамиятга ким ҳам қўлини чўзарди? Лекин Одил Эргашев корхонанинг оёққа туриб олишига уларни ишонтира билди. Ана шундан кейингина маблағ ҳам, эҳтиёт қисм ҳам топилди. Машиналар ишга тушди. Узоқ-яқин масофаларда жамият машиналари юк таший бошлади. Иш бўлгач даромад ҳам бўладида.

Натижада ойликсиз бош қашиб қолганлар иш ҳақларини вақтида оладиган бўлиб қолдилар.

Жамият бу билан кифояланмади. Ишчи-хизматчилар моддий-маънавий манфаатдорлигини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширила бошланди. Унутилаёзган байрам дастурхонлари яна пайдо бўлди. Илғорларни мукофотлар билан тақдирлаш йўлга қўйилди. Ногирон, кам қувватли ва пенсионерларга моддий ёрдам бериш кучайтирилди. Чунончи ўтган 6 ойда 106 ишчига моддий ёрдам кўрсатилди. 5 та ишчи имтиёзли йўлланма билан санаторий ва дам олиш уйида бўлиб қайтди. Умуман жамият 6 ойда 9 миллион сўм фойда кўришга эришди. Албатта булар жамият жамоаси кучига куч қўшмоқда. Тўғри-да. Ишлаган ишига яраша манфаат кўргач руҳи ҳам, меҳнати самараси ҳам юқори бўлади. Ҳозирги кунда жамият жамоаси ишидаги ўзгариш омили бари ана шундандир.

**Ҳамид СУЛАЙМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# 33 ТЎЙБОЛА

*Касаба уюшма хабарлари*

**Зарбдор туман ҳокимлиги ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси кўп болали, кам таъминланган оилаларни ўрганиб чиқиб, дастлаб 33 боланинг суннат тўйини ўтказишни мақбул деб топди.**

Тўй харажатларини «Жиззахдон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўз зиммасига олди. Болаларнинг суннат тўйига бағишлаб ёзилган дастурхон «Буюк ипак йўли» чойхонасида ташкил этилди.

Туман ҳокимлигининг қарори билан 33 нафар тўй болага халқ банкида ҳисоб рақами очилди ва ҳар бирининг номига 1000 сўмдан пул ўтказилди. Бу ҳақда тўй болаларга омонат дафтарчалари топширилди.

Тўй болаларга «Озодабегим» хусусий фирмаси, «Жиззах телеком» шўъбаси жамоаси совға-саломлар топширишди.

«Ўзбекнаво» ҳамда вилоят қўғирчоқ театри жамоаси ўз санъатларини намойиш этишди.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

*Сариосиё тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари солиқларни ўз вақтида ундириш борасида ибратли иш олиб боришмоқда.*

Суратда (ўртада) туман солиқ қўмитаси инспекцияси бошлиғи Каримқул Орзиқулов шогирдлари Абдурасул Бобоев ва Санақул Ориповлар билан галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашишмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

*Хабарингиз борми?*

## ЖАРИМАЛАР ОШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 219-қарорига биноан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрда қабул қилинган «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги 621-қарор янги 8-банд билан тўлдирилди.**

**Шу бандга мувофиқ савдо қилишда ва хизматлар кўрсатишда назорат-касса машиналарини қўлламасдан аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган юридик шахсларнинг ҳисоб-китоб счётидан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима ундирилади. Бир йил мобайнида шундай ҳуқуқ бузиш ҳолати такроран содир этилганда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима ундирилиб бюджет даромадига ўтказилади.**

**Яъни, молиявий жарима чораси фақат назорат касса машинасидан фойдаланмаслик ҳолати бўйича савдо ва хизмат шаҳобчасининг ҳуқуқий корхона ва ташкилотига нисбатан қўлланилади. Бунда шаҳобча жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ инспекцияси мазкур шаҳобчанинг юқори ташкилоти бўлмиш корхонага ушбу ҳолат бўйича ўз қарорини тақдим этади. Агарда 10 кун мобайнида корхона белгиланган жарима суммасини тўламаса, у ҳолатда жаримага тортилган корхонанинг ҳисоб рақами очилган банк муассасасига ДСИ инкасса топшириғини юборади. Шаҳобчада назорат-касса машинасидан фойдаланмаслик ҳолати йил давомида иккинчи бор такрорланса, бу қонунбузарлик ҳолати деб ҳисобланади ва корхонага нисбатан энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилади. Шундай кўнгилхираликлар бўлмаслиги учун тушумнинг ҳар сўми назорат- касса машинасидан ўтказилиши ва ўз вақтида банк муассасасига топширилиши керак.**

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

*Биздан сўрадилар...*

### Саволларга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**Маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга қандай чоралар кўрилиши мумкинлиги тўғрисида маълумот берсангиз.**

Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш умуман таъқиқланади. Чунки у ҳар хил бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Маст ҳолда транспорт воситаларини (бунга барча турдаги автомобиллар ва тракторлар, бошқа хил ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситалари киради) бошқарган ҳайдовчиларга қўриладиган чоралар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-136-моддаларида кўрсатиб ўтилган.

Бу Кодекс моддалари талабларига биноан ҳар бир транспорт ҳайдовчиси Давлат автомобил назорати ходимининг талабига кўра (шундай гумон туғилганда) унинг маст эканлиги ёки маст эмаслигини аниқловчи қурикдан ўтиши зарур. Агар ҳайдовчи транспортни бошқариш ҳуқуқига эга бўла туриб, бундай кўрикдан ўтишдан бош тортса, Давлат автомобиль назорати ёки Ички ишлар органларининг мутасадди ходимлари томонидан унга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солинади. Бу жаримани тўлаш ҳайдовчини кўрикдан ўтиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир қилинса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда унга жарима солинишга сабабчи бўлади.

Ҳайдовчилар транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганда улар фақат суд томонидан энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солиниши ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиниши мумкин.

Яна суд томонидан, маст бўлган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширган транспорт эгасига энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солиниши ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиниши тўғрисида қарор чиқарилиши мумкин.

Мабодо маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариш оқибатида йўловчиларга тан жароҳати етказилган ёки уларнинг ўлимига сабабчи бўлган бўлса, бу ҳайдовчилар суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилади, улардан етказилган барча моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилади.

Бир дақиқалик «ҳузур» ана шундай кўплаб ташвишларни олиб келади.

**Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг иш стажи ва меҳнат дафтарчаси ҳақида, уларга пенсия ҳамда нафақалар тайинлаш тўғрисида маълумот берсангиз.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 28 январь 1998 йилда «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини қабул қилган бўлиб, 1 январь 1998 йилдан амалга киритилган.

Мазкур қарорга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро албатта яшаш жойидаги ҳокимликларда, солиқ органларида ва Пенсия жамғармасида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Тадбиркор яшаш жойидаги ҳокимликда давлат рўйхатидан ўтганидан кейин солиқ органларида рўйхатдан ўтиш билан бир вақтда суғурта бадалларини тўловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида рўйхатдан ўтиши керак.

Тадбиркор рўйхатдан ўтиши вақтида паспортини, тегишли фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани, шунингдек, меҳнат дафтарчасини кўрсатиши зарур.

Агар тадбиркор Пенсия жамғармасида рўйхатдан ўтган пайтгача меҳнат дафтарчасига эга бўлмаса, 7 январь 1998 йилда тасдиқланган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома» талаблари асосида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан унга янги меҳнат дафтарчаси очилади ва у ўша ерда сақланади.

Ҳар бир тадбиркорга рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда суғурта бадалларини тўлаш муддатлари ва тартиби тўғрисида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими билдиришнома беради.

Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалларининг энг кам миқдори ҳар бир ой учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Тадбиркорнинг яшаш жойидаги Халқ банки бўлимида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тўлаш учун фоизсиз шахсий счёт очилади.

Пенсиялар тадбиркорнинг аризасига асосан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, чақалоқ туғилганда, дафн этиш учун нафақалар тадбиркорни ижтимоий суғурта бўйича бадал тўлови сифатида рўйхатдан ўтказган Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан тайинланади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаб чиқариш учун ўтган йилда Пенсия жамғармасига тўланган бадаллар суммасидан келиб чиқиб аниқланадиган иш ҳақи олинади.

Агар ўтган йилда бадаллар тўланмаган бўлса, тадбиркорга энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, кейинчалик қайта ҳисобланган ҳолда, нафақа тўланади.

## Тили бошқа-ю, дили бошқа

**Хоразм вилояти судида бир қанча жиддий жиноятларни содир этиш, жумладан наркотик моддалар ва қурол-яроғларни ғайриқонуний сақлашда айбланаётган хивалик уч киши устидан очиқ суд жараёни тугади. Суд вилоят жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Бу қизиқишнинг сабаби бангифурушларнинг қора курсига тушганидагина эмас, балки «ислом динининг софлиги учун курашчилар» деб аталган тили бошқа-ю, дили бошқа кишиларнинг суд олдида жавоб беришидир. Судлов чоғида уларнинг наркотик моддалар билан савдо қилиши ўнлаб гувоҳлар кўрсатмаси ва ашёвий далиллар билан исботлаб берилганида, судда иштирок этаётган кўп кишилар ҳайратга тушишди. Ахир, ҳар қандай наркотик модда, ҳар қандай афюн ва ислом бир-бирига зид экани барчага маълум.**

Уч айбланувчининг ҳар бири - Хива шаҳридаги 8-сонли мактаб ўқитувчиси Зафар Худойберганов, тиш даволаш поликлиникаси жарроҳи Омонгелди Тиллаев ва ҳеч қаерда ишламайдиган Матсафо Давлатов шу йилнинг январ ойида наркотик моддаларни сақлаш ва сотишда иштирок этган гумон билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олинган эди. Қўлга олиш чоғида уларнинг ҳар бирининг уйидан беркитиб қўйилган қорадори топилди, З.Худойбергановнинг уйидан эса, автомат патронлари ҳам топилди.

Лекин, судда таъкидлаб ўтилган ана шу жиддий жиноятлардан ташқари, судланувчиларнинг бу қадимий шаҳардаги бошқа фаолияти жамоатчилик учун жиддийроқ хавф эди. Суд бошланган пайтда улар ўзларининг шу фаолиятини пеш қилишди. Худойберганов билан унга қўшилган Давлатов ҳамда Тиллаев ярим йил давомида жангарилик тусидаги фаол диний ташвиқот билан шуғулланган. Масалан, Худойберганов ўқитувчи сифатида ўқувчиларнинг чуқур билим олиши учун қулай жой қидирмаган, аксинча, уларни шариатнинг қотиб қолган ақидаларини бажаришга даъват этган. У дарслардагина эмас, ҳатто танаффус пайтида ҳам фақат беш вақт намозни канда қилмаслик тўғрисида эмас, ҳатто фотосуратга тушишнинг гуноҳи азимлиги тўғрисида ваъзхонлик қилган. Қизларга эса, очиқ юз билан юриш ҳамда умуман эркаклар ҳузурига келиш мумкин эмаслигини ўргатган. Бундай «тарбиявий ишлар» давлатга қарашли дунёвий мактабда олиб борилди.

«Дин софлиги учун» курашчилар дунёқараши шаклланмаган ёшларга таъсир ўтказиш билангина чекланиб қолмай, бошқа фуқароларнинг шахсий ҳаётига ҳам аралашган. Улар тўйларга бориб, аслида оилавий тантаналарни бузиб, куёв ва келин меҳмонлар олдига чиқмасин, аёллар ва эркаклар бошқа-бошқа хонада ўтирсин, деб талаб қилган. Бундан ташқари, улар Хивадаги насроний динига мансуб айрим оилаларга чақирилмаган меҳмон бўлиб кириб, улардан ислом динига ўтишни талаб қилган. Улар шу тариқа Ўзбекистон Конституциясида ёзиб қўйилган барча фуқароларнинг виждон эркинлиги, ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқини бузганлар.

Конституцияда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳам белгилаб қўйилган. Судланувчиларнинг бу борадаги ҳаракатлари кўпинча беъманиликка бориб етган. Бир неча йил муқаддам Тиллаевнинг отаси қазо қилганида, у Худойберганов билан биргаликда урф-одатларни ўташга тўсқинлик қилган. Суд З.Худойберганов, М.Давлатов, А. Тиллаевни фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларини бузишда айбдор деб топди ва уларни жиноят кодексида кўзда тутилган бир қанча моддаларга мувофиқ, турли муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

*Истеъмолчи манфаати муқаддас!*

## МАСЪУЛИЯТНИ КИМ УНУТГАН?

***Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт нуқтаи назаридан бозорнинг аҳамияти катта. Бозорни кундалик муносабатларнинг маркази, дейиш мумкин. Бозорга кирган киши нафақат тирикчилик неъматларидан, балки турфа янгилик ва хабарлардан ҳам баҳраманд бўлади. Шу боис бозордаги савдо хизмати, озодалик, муносабатлар маданияти энг юқори даражада бўлиши масаласига ҳукумат даражасида эътибор берилмоқда.***

Самарқанд шаҳрида ҳам бу масалада анчагина ишлар қилинмоқда. Аммо ҳали мақсадга тўлиқ эришилгани йўқ. Кейинги вақтларда назорат тариқасида ўтказилган текширишлар, бозор аҳволи билан танишиш ана шуни кўрсатди. Ваколатли идоралар томонидан берилган талабномаларни бозор мутасаддилари ҳам, сотувчилар ҳам бажармай келишмоқда. Улар саломатликни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ўзларининг эл олдидаги масъулиятини унутиб қўйган кўринишади.

Масалан, Самарқанд шаҳрининг Темирйўл туман деҳқон бозорида савдо-сотиқ учун шароитни яхшилаш мақсадида кўпгина ишлар қилинган. Лекин санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг кўп марта огоҳлантиришига қарамасдан мазкур бозорда тез бузилувчи сут, қандолат маҳсулотлари, нон кўчада, очиқ жойларда сотилишига йўл қўйилаяпти. СЭС томонидан солинаётган жарималарнинг таъсири сезилмаяпти. Ҳаммага маълумки, ҳозирги иссиқ кунларда махсус шароитда сақланмаса, кўпгина маҳсулотларнинг сифати жуда тез бузилади. Сифати бузилган маҳсулот эса истеъмолчилар соғлиғига хавф солиши эҳтимолдан холи эмас. Охирги марта ушбу бозорда ўтказилган текширишда 84 килограмм қўзиқорин, 29 кг балиқ, 4 кг қандолат маҳсулотлари истеъмолга яроқсизлиги сабабли йўқ қилинди.

Тумандаги яна бир йирик савдо мажмуи «Дамариқ» деҳқон бозоридир. Бозорда 220 та савдо ўрни бор. Ҳозир бозор майдонини 2 баравар кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги кунда бозорда махсус сут маҳсулотлари павильони, савдо жиҳозларини ювиш хонаси, чиқиндиларни йиғадиган алоҳида майдонча йўқ, зарарсизлантириш ишларини ўтказиш бўйича шартнома тузилмаган. Бинобарин, бу ишларга етарли эътибор берилмаяпти. Текширишлар жараёнида бозордаги санитария талабларига жавоб бермайдиган савдо нуқталари ёпиб қўйилди. Афсуски, ҳозирги вақтда бозорга келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60-70 фоизи қонун-қоидаларга зид равишда кўчада, ерга қўйиб сотилмоқда. Бунинг сабабини билишга ҳаракат қилдик.

- Аҳоли зич яшайдиган дахаларга яқин жойлашгани туфайли бўлса керакки, базаларимизда савдо-харид ҳажми кескин ортиб кетди, -дейди «Дамариқ» бозори директори Зафар Қаюмов.- Ҳақиқатда мавжуд ўринлар етишмай қолди. Бозордаги сотувчи ва харидорлар сонини бошқариш қийин. Чунки қайси бозорга киришни ҳар кимнинг ўзи танлайди. Қисқаси, туман ва шаҳар ҳокимиятининг ёрдами билан бозорни кенгайтириш бошланди. Юқоридаги сабабга кўра ҳамма сотувчига зарур шароит яратиб беролмаяпмиз. Лекин олиб келинган маҳсулотлар лаборатория текширувидан мунтазам ўтказилаяпти. Иккинчи масала. Қўлда (уйда) тайёрланган тез бузилувчи қандолат, консерва ва бошқа маҳсулотларни сотишни СЭС таъқиқлаган. Лекин фаолиятнинг бу тури билан шуғулланувчи шахсларга солиқ идораларидан рухсатнома (патент) берилган. Хўш, бозор мутасаддилари нима қилишсин? Улар фаолиятини тўхтатиб қўйишга бизга ваколат берилмаган. Шу сабабли баъзида бозор маъмурияти айбсиз айбдор бўлиб қолаяпти. Бу билан мен масъулиятни зиммамиздан соқит қилмоқчи эмасман.

- Бозор директорининг гапида озгина ҳақиқат бор. Биринчидан, савдо қилишга солиқ идораси рухсат берса-ю, СЭС таъқиқласа, аввало бу икки идоранинг фаолиятини мувофиқлаштириш зарур эмасми? Иккинчидан, мантиқан бозор ҳудудидан ташқаридаги савдо учун бозор маъмурияти жавобгар эмас. Ушбу масаланинг ечимини кимдан сўраш керак. Маҳаллий ҳокимиятданми ёки маъмурий идоралар ходимлариданми? Фикримизча, Самарқанд шаҳар ва Темирйўл туман ҳокимиятлари бу саволларга жавоб топсалар, муаммо ҳал этилади ва бозорда тартиб бўлади. Энг муҳими, эл саломатлиги муҳофаза қилиниши кафолатланади.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



Тўхтанг?! Н. АЛМУРОДОВ сурат-лавҳаси.

## ИНСОФ БЎЛГАНИДА ЭДИ...

12 июль куни зарурат юзасидан пойтахтга борадиган бўлиб қолдик. Самарқанд автошоҳбекатидан давлат рақами 68-24 НВН «Навоий-Тошкент» автобусига чипта олиб, соат 13 га яқин манзилга йўл олдик. Баногоҳ, кутилмаганда носозлик панд бериб, автобус Самарқанд шаҳридан чиқаверишда-Жомбой тумани ҳудудида бузилиб ҳаракатланишдан тўхтади. Автобусимиз бузилган заҳотиёқ ҳайдовчилардан бири Самарқанд автошоҳбекатига жўнаб кетган бўлиб, кўп ўтмай у ердан кам сонли йўловчи билан Тошкентга борадиган автобусда келиб қолди. Ҳамма йўловчи чипта олганини ҳам, йўл-йўлакай чиққан чиптасиз йўловчиларни ҳам ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўйишди. Навоийлик ҳайдовчилар давлат рақами 21-80 СНМ автобуси ҳайдовчиларни қўлига чиптолар сотилгани ҳақидаги ҳужжат билан бирга чиптасиз 5-10 кишидан олинган пулларни ҳам бирма-бир айтиб, санаб беришди.

Аммо бу автобус ҳам 7-8 чақиримча юрмасдан-Булунғур тумани ҳудудида бузилиб қолди.

Табиийки, йўловчилар ўз манзилига тезроқ етиб олишни ўйлайди. Аммо ҳайдовчилар ўз «дарди» билан овора. Тоқати тоқ бўлган йўловчилар: автобусингиз тузалмайдиган бўлса, бизни пулимизни қайтиб беринг, ўзимиз йўловчи машинада кетаверамиз» дейишди. Ҳайдовчилар чиптасиз йўловчилардан айримларига пулини қайтиб бера бошлади, айримига бермади. «У автобусдаги ҳайдовчилар бергани йўқ» деб туриб олди. Қани исбот қилиб кўринг-чи?

Чиптасизлар камчилик бўлгани учун чипталиларнинг шовқин-сурони кўтарилиб кетди. Чунки, ҳайдовчи чипта пуллари ҳам қайтарилмаслигини айтганди.

Балки, ҳайдовчиларнинг автобус панд берганидан кайфияти йўқолгандир?.. Нима бўлганда ҳам ҳайдовчилар яхши муомала қилмади, уларни тушунишни ҳам, автобусга чиқариб қўйишни ҳам исташмади. «Биз нима қилайлик, ўзимиз атайин бузганимиз йўқ!» дейишдан нариги ёқ «ёз» тутиб, йўловчилар талаб-истагига беписанд, умуман лоқайд қарашди. Лоқайд деймиз-у бироқ уларнинг автобуси бузилгани, фойдадан бенасиб қолаётгани, боз устига ортиқча харажатга тушганлигидан афсус-надомат чекаётганлиги яққол сезилиб турарди. Бироқ «танаси бошқа дард билмас» деганларидек, чиптали йўловчиларнинг талабини қондириш у ёқда турсин, бир оғиз ширин сўз билан бўлса-да «дардига малҳам» бўлишни хаёлига ҳам келтиришмасди. Агар уларда озгина инсоф бўлганида эди, «биз автобусни атайлаб бузганимиз йўқ, қаерга борсанглар, қандай борсанглар боравераверинглар» дея қўлини «шоп» қилмасди.

*Йўлдаги ҳангомалар*

Фазлиддин ТОШНИЁЗ ўғли.

*Инсон ва қонун*

## ҚУВИБ КЕЛГАН АЖАЛ

Ўтган йилнинг 18 июнь кунида Пскент тумани А.Дўстбеков номли жамоа хўжалиги 5-бўлимидан оқиб ўтувчи анҳордан ёши тахминан 30-35 лардаги эркак кишининг мурдаси топилди. Жиноят содир этилган жойга зудлик билан борган Тошкент вилояти ИИБ Бошқармаси, прокуратураси ҳамда Пскент тумани ИИБ бошлиғи раҳбарлигида тезкор гуруҳи вазиятни ўрганиб чиқди. Жасадни кўздан кечириш вақтида, унинг қасддан ўлдирилганлиги маълум бўлди. Иш мурданинг шахсини аниқлашдан бошланди. Олиб борилган суриштириш ҳаракатлари шуни кўрсатдики, у 1967 йилда туғилган, Қарши шаҳри «Комондий» маҳалласи Саримсоқов кўчаси 11-уйда яшаб келган Ашуров Суннат Шарипович бўлиб чиқди.

Ашуров Суннат 1997 йил 13 июнь куни ВАЗ-2106 русумли, давлат белгиси 18 В 01-60 шахсий автомашинасида Қарши шаҳридан, яъни уйидан номаълум бир йўловчи билан Тошкент вилояти Оққўрғон туманига кетаяпман деб чиқиб кетади. Бу номаълум шахс ўзини Худойбердиев Фурқат деб таништиради ва Оққўрғондаги санаторийдан ота-онасини олиб кетиш учун С.Ашуров билан келишиб, машинасини кира қилиб жўнашади. Улар Бўка шаҳрида кечки овқатни еб бўлиб, Оққўрғон туманининг Олимкент қўрғонига қараб йўл оладилар. «Бўка-Олимкент» йўлида 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси ҳайдовчи С.Ашуровни ўзини Ф.Худойбердиев деб таништирган кимса бўғиб ўлдиради. Белига тош боғлаб, жасадни анҳорга ташлаб юборади. Анҳор сувлари шу тунда ҳаётга тўймаган навқирон бир йигитни ўз бағрига олди...

С.Ашуровнинг автомашинасини Олмалиқ шаҳар Автомашина бозорига олиб бориб, у ерда пскентлик Х. ва Т. исмли шахсларга «хужжатларимни бари Бекободдаги шеригимда эди... Биз у ердан «Раф» машинасини сотиб олмоқчи эдик. Пул зарур бўлгани учун буни тез сотиб кетишим керак...» деб айтади. Шу тариқа автомашинани 260 минг сўмга баҳолашиб, бир-галикда Пскентга келишади. Бу ерда Х. исмли шахсдан Ф.Худойбердиев 160 минг сўмни олиб, қолган 100 мингни 18 июнь куни машинанинг эгаси билан Қарши шаҳрига бориб машинани рўйхатдан чиқариб бергандан сўнг олишини айтиб кетади ва шундан кейин қайтиб келмайди.

Тезкор қидирув ва суриштирув ишлари натижасида 21 июнь куни Ўртачирчиқ ва Пскент тумани ИИБ ҳамда Тошкент вилояти ИИБ бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўзини Ф.Худойбердиев деб таништирган шахснинг кимлиги аниқланиб, қўлга олинди. У кимса 1972 йилда туғилган Мазбутов Илҳом Тўраевич бўлиб, Қўрғонтепа вилоятидаги Октябрь қўрғони Ворошилов кўчаси 1-уйда яшаб келган Тожикистон Республикаси фуқароси эканлиги маълум бўлди.

Қотил ўз қилмишига яраша жазо олди. Лекин жиноят содир этишга имкон яратган сабаблардан бири бу нотаниш бўлган шахсга ишонган ҳолда, ўз шахсий автомашинасида киракашлик қилиб, бир кеча-кундузда мўмай даромад топиш нияти оқибатида С.Ашуров ҳаётдан бевақт кўз юмгани ачинарлидир.

Акбарали МИНГЯШАРОВ,
Пскент тумани, ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини,
Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

## МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

**Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жойиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Мустақилликка 300 йиллардан кейин эришган Ҳиндистон давлатининг биринчи раҳбари Жавоҳарлал Неру XX асрнинг 50-60-йилларидаги жаҳон аҳволи ҳақида гапириб, ахборотлар шу қадар кўпайиб кетганки, уларни қамраб олишнинг ўзи нақадар мураккаб, ҳар бирига муносабат билдириб туриш эса, янада қийин деган бир гапни айтган эди... Шундан кейин ўйлаб қарайлик-чи, орадан сал кам ярим асрча ўтган 90-йиллардаги жаҳон қандай қиёфаларда намоён бўлмоқда, унда кечаётган воқеа-ҳодисалари жараёнидан тортиб, янгиликларни англаш, моҳиятини идрок этиш, ҳар бир муҳим - яъни халқлар ва давлатлар тақдирида акс этадиган ўзгаришларга қараб яшаш одамлар, айниқса давлат раҳбарлари ва бир юксак онгли шахсгина тасаввур эта олади... Минг афсуски, буни тушунадиганларни кўпайтириш анча қийин кечмоқда. Бу мулоҳазамизнинг дастлабки боиси шуки, тарихимиз бой, қадриятларимиз бисёр, маънавий хазинамиз худди ҳаёт ва қоинот сингари чексиз-чегарасиз... Агар уни бир денгизга қиёсласак ҳам бугунгача олганларимизнинг миқёсига нисбатан томчилар дейиш мумкин... Ҳамон маънавиятни, меросни ҳаёт, коинот, денгизга қиёслаганимиздан кейин унинг борлиғи хилма-хил мавжудодларнинг қоришиғидан иборат эканлиги ҳам аниқ. Модомики, шундай экан, биз маънавий меросимизга, қадриятларимизга муносабат қилган кезларда улар орасидан энг қимматлиларини, бизнинг бугунги ва эртанги тараққиётимизга хизмат қиладиган энг зарурларини, яъни энг нодирларини танлаб-ажратиб олишимиз керак... Бу борада ташвиш тўғдираётганлар оддий одамлар эмас, кўпинча ўзини шу соҳада мутахассис деб ҳисоблайдиганлар бўлиб турибди... Демоқчимизки, миллий қадриятлар, уларни истиқлолимиз туфайли тикланаётгани ҳақида гап кетганда айрим кимсалар қадриятларимизнинг биринчи даражали, энг биз учун ҳам, уларнинг вужудга келган даври учун ҳам аҳамиятли жойлари қолиб, ўтмиш учун ҳам, бугунги кунда ҳам деярли ҳеч қандай аҳамияти йўқ, балки бундан кейин ҳам аҳамияти бўлмаган нуқталарга ёпишиб, бирор ҳужжатсиз асоссиз мулоҳазаларни кўтариб чиқмоқдаларки, бундай ҳолат ёш-яланг, оддий одамларни чалғитишдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди. Миллий қадриятларимизни ўрганиш соҳасидаги илмга, тарихимизга бирон-бир наф келтирмайди. Аммо содда одамлар ўртасида баъзи «миш-мишларни» вақтинча яратиши, муаллифи номини вақтинча чиқариши ва тезда ўтиб кетиш билан хотима топади... Жумладан Беҳбудийдек буюк сиймонинг бутун борлиғи, бизга қолдирган бебаҳо маънавий мероси, агар таъбир жоиз бўлса, бутун бир аср, яъни XX аср бошларидан то 30 йилларгача Туркистон тарихини йўналтиришни белгилаган бир даҳонинг барча қирралари четда қолиб, уни қизилларнинг чекистлари ўлдирганга ўхшайди қабилидаги гапларни навбатма-навбат кўтариб чиқилса-да, аниқ исботи бўлмаса, бундан нима чиқди? Беҳбудий фаолиятида бундан бошқа томонлари ўрганилиб бўлди-ю, энди гал фақат шунга келган бўлса, бошқа гап?! Ваҳоланки, Беҳбудийнинг ўзи миллий анъаналар, ўтмишдан қолган маънавий мерос, урф-одатларнинг энг ибратлиларини жуда ҳурмат қилиш билан, улардан энг кераклиларини танлаб олиш ҳақида муттасил жон куйдирган, бу ҳақда махсус мақолалар ёзган, халқ ўртасида фарқига бормай кераксиз, бефойда бидъатларга берилиш кучайганидан фарёд чекиб ёзганлари бор... Биз бу ҳақда кейинроқ, ўрни билан махсус тўхтаймиз...

Йиллар ўтар, асрлар ўтар - инсоният миллий, маънавий қадриятларга ҳамиша мурожаат қилади, бусиз тарих ҳам, келажак ҳам йўқ. Аммо ҳар бир давр бу муаммога ҳамиша ўз манфаатлари нуқтаи назаридан қарайди. Қизил империя етакчилари ҳам ўтмишга оғизда ҳурмат баён қилишни унутмаганлар, амалда эса, ўтмишнинг бор-йўғини - ўрмонга ўт тушса ҳўли-қуруқ баравар ёнади қабилида, йўқотишга ҳаракат қилганлар. Лоақал шу нуқта ҳам уларнинг келажагини йўққа чиқарди дейилса ҳам, нисбатан илмий-назарий жиҳатдан хато бўлмайди.

Агар шу нуқтаи назардан бугун биз буюк аждодларимиз қадриятларига ёндошадиган бўлсак, бу борадаги ишларимиз аввало истиқлолимиз ўзимизга ато этган буюк неъмат бўлиши билан бирга, айтиш мумкинки, бутун Туркийзабон халқлар, миллатлар, ҳатто жаҳондаги барча илғор дунёқарашга молик табақалар фаолиятлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Негаки, бирор буюк сиймо ҳеч қачон дунёдан ажралган ҳолда фақат ўз миллати манфаатларинигина кўзлаб яшаган эмас, яшай олмайди ҳам. Агар ўзидан бошқани кўрмайдиган бўлса, у «буюк», «даҳо» сингари олий ва ўта мукаддас инсоний фазилатларга эга ҳам бўлолмайди... асли ҳовлиқма, узоқни кўрмай ҳаммани чалғитиб «иш» кўраман деган жанжалкаш, ифвогар, экстремистлар фақат шу тоифалардан келиб чиқади...

Мана июн ойининг 9-10 кунларида Қозоғистоннинг янги пойтахтида Туркийзабон давлатлари раҳбарларининг бешинчи анжумани ўтказилган кунлар янги пойтахтнинг очилиши тантаналари ҳам уланиб кетди... Президентимиз мазкур анжуманга кета туриб берган интервьюларида - маънавий қадриятларимиз, миллий тарихимиз, анъаналаримизни тиклаш, нишонлаш борасида ҳам Туркийзабон халқлар ҳамкорлигини амалга оширишнинг борасида ғоят муҳим нуқталарга эътиборимизни жалб этдилар...

Анжуманлар ҳамиша ўзаро иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар асосида амалга оширилиши, бунда дастлаб бизга умид билан кўз тутиб турган халқларимизнинг тенг манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиш лозимлиги уқдирилади... Бундай йиғинлар ҳеч қачон ҳарбий гуруҳбозликларга айланиб кетмаслиги лозимлиги бирон мамлакатга қарши қаратилмаслигига қаттиқ риоя қилиш бугунги қуннинг энг долзарб масаласи тарзида қўйилдики, жаҳондаги барча софдил, онгли, иймон-эътиқоди мустаҳкам инсоният табақаси бу фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаши табиий...

Бугунги суҳбатимиз - XX аср бошларида - 1900 йиллардаёқ майдонда кўзга яққол ташланган буюк сиймо Беҳбудий маънавий мероси устида бўлиб, ундан қолган хазинанинг бугунги аҳамияти нимадан иборат деган саволга жавоб беришдан иборат бўлади. Тўғри, бу саволга жавоб беришга биз 1988 йилдан буён уринамиз ва мазкур мавзуда эълон қилганларимиз ҳақида ўтган суҳбатимизда бир оз изоҳ ҳам бергандмиз. Бироқ ҳали бу саволга жавоб ахтариш давом этади, биздан кейинги авлодлар ҳам яна жавоб ахтариш билан шуғулланишларига шубҳа қилмаймиз... Зеро буюк сиймолар маънавий меросининг бебаҳолиги ҳам айни шу нуқтада ўз ифодасини топади...

Модомики, Беҳбудий ҳақида гап кетар экан, унинг даври - XX аср бошларидан то 20-йилларгача деб ҳисобласак, ана шу даврнинг энг илғор дунёқараши Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёт, фаолиятида акс этади... Бу нима дегани? Бу шу деганики, 1890-йиллардан бошлаб жаҳон майдонида кўринган жадидчилик, унинг Қримдан чиққан йўлбошчиси Гаспирали Исмоилбек Россиянинг мусулмонлар яшайдиган ўлкаларда миллий озодлик, мустақиллик ғояларини кенг қўламда тарғиб қилади. Қозонда Маржоний, Бошқирдда Аҳмад Закий, Қозоқда Мустафо Чўқаев сингари даҳолар XX аср бошларидаги тараққийпарварлик, маърифатпарварлик ва ниҳоят - миллий мустақиллик йўлида жонбозлик кўрсатишда Исмоилбек ва унинг ҳамфикр замондошларини қўллаб-қувватлашга бутун фаолиятларини бахшида этадилар. Бу даврда биз тилга олиб ўтган ўлкаларнинг ҳаммаси чор Россиясининг мустамлакаси, ундан кейин қизил империя зулми остида эзилиб ётгани маълум... Беҳбудий ҳудди шундай бир мураккаб даврда-ўз фаолиятини бошлайди... Исмоилбекни ўзига устоз деб билади. У билан доимий ҳамфикрда бўлгани ҳақида эсдаликлари бор... Бу ўзи бир алоҳида катта мавзу... Мазкур фикрни шу ерда тўхтатиб асосий мавзуимизни давом эттирамиз...

Беҳбудий маънавий меросида ёшлар тарбияси масаласи етакчи ўрин эгаллайди. Ишни янги мактаблар очишдан бошлаган Беҳбудий - аввало маърифат ва унинг заминида маънавиятни юксалтиришни ўзининг энг олий мақсади қилиб қўяди. Барча яхши ният, пировард - миллий мустақилликка эришиш йўли ҳам айни шунда деб билади. Зеро Беҳбудий ва бутун жадидлар-инқилобий тўнтариш - қон тўкиш билан эмас, илм, маърифат йўли билан - ислоҳотлар йўли билан жамиятни ўзгартириш, чинакам демократик давлат тузумига эришиш лозим деб ҳисоблайдилар...

Бу уларнинг энг олий мақсадлари эди. Шу ният билан «Усулижадид» мактаблари қўплаб очилади. Уларда «диний илмларни чеклаш эмас, диний илмлар билан бирга аниқ фанларни ҳам ўқитишга катта эътибор берадилар. Беҳбудийнинг ўзи бир қатор фанлардан - тил, адабиёт, тарих, жуғрофия, математикадан дарсликлар, қўлланмалар ёзади...

Хариталар чоп этиб тарқатади... Мактабларда чет тилларни ўқитиш масаласини ҳам кўтаради ва бунга аҳамият беради. Исмоилбек ҳам болаларга таълим беришда оврўпо маданиятидан чўчимаслик кераклиги, ундан ибратли жиҳатларини танлаб фойдаланиш лозимлигини уқдиргани тўғрисида Беҳбудий ёзиб қолдирган...

Маълумки, ҳадисларда ғайри диндагиларга ҳам ҳурмат билан қарашни мусулмонларга уқдирилади. Беҳбудий диний илмларни ҳам пухта билгани, бу соҳада Мисрнинг буюк олими Муҳаммад Абдо таълимотларига таяниб иш кўргани, ҳатто «Исломнинг қисқача тарихи» китобини ёзгани ҳам маълум. Шунга кўра у ўз фаолиятида ғайридинлиларга доим ҳурмат билан қарайди. Улардан фойдали - ибратли нуқталарини танлаб ола билиш, аммо ўзлигини, миллий анъаналарини йўқотмасликни ҳам уқдириб туради...

Ҳар бир халқ ва миллатнинг дастлабки ўзлиги унинг она тилидан бошланиши маълум. Беҳбудий буни чуқур англаган ҳолда 1917-18 йиллардаги тўнтаришлар давридаёқ Туркистон халқларининг тилини сақлаб қолиш, унга давлат тили мақомини бериш масаласини «Улуғ Туркистон» газетасида (1918 й.27.УІ.) кўтариб чиқиб шундай деб ёзган эди: «...Туркистон ўлкасидаги халқларнинг кўбраги ўзбек, қирғиз, қозоқ ҳам туркман халқларидан иборат. Бошқалар бўлса-да, оз. Биноан алайҳ ўзбек (сартия) учун ўзбек тили, қирғиз-қозоқлар учун қозоқ тил, Туркманистон учун туркман тили (баъзи шеъвалари) расмий тил саналарга тейиш...» (давлат тили дейилмоқчи А.А).

Чор Россияси босқинчиларидан бири Туркистонга бостириб келаётган XIX асрнинг ўрталаридаёқ мусулмонларнинг тили ва динини йўқ этсанг, ўзи ҳам миллат сифатида йўқолиб кетади деб кундалигига ёзгани маълум эди. Бу ҳаракат қизиллар томонидан ўта қўпол равишда хунрезлик билан амалга оширилаётган кезларда Беҳбудийнинг тил ва бошқа ҳуқуқларимиз борасидаги курашларда кўрсатган жасорати нақадар беқиёс экани кундай равшан, унга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Чинакам ботирлик ёв қочмасдан, унга қарши тик боришда намоён бўлади... Агар Беҳбудийнинг тил тўғрисидаги орзулари фақат Ўзбекистонда Истиқлол туфайлигина амалга ошганини бир кўз олдимизга келтирса, миллий қадриятларнинг яна бир қирраси нақадар юксак бир қоя каби қад кўтараётганини чуқурроқ англаб оламиз...

Беҳбудий маънавиятидаги маориф, маърифат, халқимиз маданиятини оммавий равишда кўтаришга бутун борлиғини бахшида этиши унинг ҳар бир иши, ҳатти-ҳаракати мазмунини белгиларди. Манави сўзларга бир эътибор қилайлик: «...Биз ўз қисматимизни биламиз... Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...»

Бу гапларни Беҳбудий Қарши беклиги зиндонида ётган ва қатл этилишини аниқ билган ҳолда ёзиб қолдирган... Энди унинг давомини ўқиймиз: «...Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос... мумкин қадар кўпроқ «мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш билан энг яхши ҳайкал бўлади...» («Инқилоб» жур. 1922 й. І-сон.)

Бугунги кунларда мактаблар, олий ўқув юртларида амалга оширилаётган янгидан-янги очилаётган лицейлар, коллежлар, университетлар, чет элларга юзлаб, минглаб ёшларни юбориб ўқитилаётгани - буюк аждодларимиз Беҳбудий ва унинг сафдошлари, ҳамфикрлари орзу қилган энг олий мақсадлар эди-ку?! Мустақиллик шарофати билан қилинаётган барча маънавий ва маърифий ишларимиз - уларга қўйилаётган ҳайкаллар десак - муболаға бўлмайди... ўйлаб қаралса уларнинг маънавий қадриятларини тиклаш - ҳар қадамда биз билан нақадар ҳамнафаслиги билан қалбимиз тўрида яшайди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади...

Энди яна бир нуқтага эътиборингизни тортиш жоиз кўринади: Президентимиз Қашқадарёда ўтказилган йиғиндаги ўша чиқишларида қўплаб муаммолар қаторида айрим «лаббайчилар» жамиятимизда нақадар кўплаб салбий оқибатларга дучор қилишини таъкидлаб ўтдилар. Бундай воқеа-ҳодисалар адабий ҳаётда, маънавий-маърифий оламда ҳам доим намоён бўлиб келган, ўз вақтида Беҳбудий ва унинг замондошлари ҳам бундайлардан нафрат қилганлар, иложи борича уларнинг қилмишларини дадил фош этиб турганлар... Жумладан, чор Россиянинг XX аср бошларидаги мустамлакачилигини оқлаб - уларга ялтоқлик, лаганбардорлик қилиб, ўз халқи, ватанига хиёнатгача борган айрим қаламкашларни Беҳбудий шундай очиб ташлаган эди:

«... Туркистон обод бўлди. Илгари бой кам эди, миллионер йўқ эди. Яхши иморат ва бинолар йўқ эди... Бас, нима учун «инсофсиз» муҳаррирлар «ҳаробмиз» деб, жоҳилона ёзадилар?... Бу саволга шундай деб жавоб бермак керак: 6 миллион туркистонликларда уч миллионер борлиги маълум эмас. Бойман деганлар банк ва фабриканинг хизматчиларидирлар. Шаҳарларда катта иморат ва корхоналар ҳаммаси оврупаларникидир. Оврупо амтиласи ерли амтилаларни синдирди. Деҳқонлар эса, гарчи бир вақт қўли бир оз, акча кўрар, яна Оврупо амтилаларининг бирига икки-беш ҳом мол бериб, пишиқни зўрға олар...» («Хуршид» газ. 1908 й. 4-сон).

Эътибор берган бўлсангиз, юртимизга босиб келиб, уни хом ашё заминига айлантирган ва шаҳардаги савдо-сотиқдан бошлаб, деҳқон меҳнатигача ўз қўлларига олган мустамлакачилар қишлоқ хўжалигида етиштирилган барча маҳсулотларини ҳам тортиб олиб, қайта ишлаб ўзимизга неча ҳисса қимматга сотадилар, қашшоқ деҳқон бор-йўғини бериб, «бирга икки-беш» баробар ҳақ тўлаб, «пишиқни зўрға олади»... XX аср бошларида бу гапни очиқ айтиш учун ўз бошини гаровга қўйиб чиқиш лозим эди... «Лаббайчилар» эса, ҳамиша ана шу жасурларга қарши туфайли босқинчилардан имтиёзлар олар эди... Қизиллар даврида авжга чиққан бу усул ҳамон айрим кимсалар руҳини тарк этмаётгани - истиқлолимиз ўтказаётган ислоҳотлар жараёнида қийинчиликлар туғдириб келмоқда... Миллий қадриятларимиз моҳиятида бугунги кунимиз билан ҳамоҳанг бундай нуқталарнинг кўплиги йиллар ўтиши билан уларнинг қимматини ошира бораверади...

Беҳбудий ўз фаолиятида кўплаб хурофотчиларнинг динни рўкач қилиб ўз қабих ниятларига эришмоқчи бўлганларига дуч келади, уларга қарши кураш олиб бориш ҳам унга осон кечмади. Беҳбудийнинг бу борадаги фаолиятлари ҳам хануз эскирмаган, аҳамиятини йўқотмаганлиги билан қимматлидир.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида шундай бир воқеа бўлиб ўтади: мадраса ичидаги Жомеда беш-олти минг мусулмон жума намозига йиғилган... Бу воқеа 1914 йил 3-январда бўлади. Муаззин намоздан сўнг маъруза қилиб, шундай гапни айтади: «сули жадидларнинг ва русча ўқитмоққа ташвиқ қилатурғонларнинг ҳаммаси кофир, ҳар ким боласини Усули жадид мактабига берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлади.

Бундай оғир вазият Беҳбудий ва бутун ўқитувчиларни, мактаб ходимларини, барча жадид маърифатчиларни мушкул аҳволга солиб қўяди. Бундай кезларда халқ оммасига таъсир этишнинг энг қулай усули Ислом дини ақидаларининг таълим-тарбияга оид муҳим нуқталарига таянган ҳолда иш кўриш эди. Бу вазиятни Муфти Беҳбудий чуқур билим доираси ва етук ақл-идроки билан муваффақиятли ҳал этиши мумкин эди. Худди шундай бўлди.

«Оина» журналининг 1914 йилги 12-сонида Беҳбудий «Фавқулодда тақфир» сарлавҳали мақоласи билан чиқиб, содир бўлган ноҳуш воқеа тўғрисида, унинг фуқаролар онгига салбий таъсири ҳақида шу билан бирга, чинакам илм-маърифатнинг моҳиятлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилади. Айрим хурофотчилар диний қоидаларни бузган ҳолда таълим-тарбия ва маърифат йўлларини талқин этаётганини қаттиқ танқид қилади, кирдикорларини аёвсиз фош этади. Беҳбудий мақоласида жумладан шундай мулоҳазалар бор:

«... Шуни-да Фавран ёзайинки, «кофир» деган одамлари азалий ва абадий мусулмондир. Улар куфрни абадан қабул этмайдурлар... Келар адад «Сина»да батафсил ёзурмуз...».

Дарҳақиқат, «Оина»нинг навбатдаги сонида Беҳбудий «Бизнинг ҳоллар ва ишлар» сарлавҳали мақола билан яна чиқади. Унинг мақолалари халқ ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлади. Чунки ёшлар тарбияси, мактаб-маориф ишлари ҳар бир фуқарони қизиқтириши табиий эди. Беҳбудийнинг биз тилга олган мақоласида таъкидланишича, «Ушбу нутқ муаззиннинг ифвогарона қилган баёноти- А.А. Ҳукуматга ҳам маълум бўлиб, ҳукумат тарафидан мадрасаи Тиллакор ва мадрасаи Улуғбек мударрислари-жаноб Имомназар ва Жаноб Мулла Салим ва нутқ қилғон муаззиндан сўрабдурлар. Жаноб мударрис «ушбу нуткдан хабаримиз йўқ» дебдурлар. Муаззин айтибдурки, «мен усули жадид ё русча ўқимоқ ва усули жадидалар ҳақида ҳеч бир нимарса айтганим йўқ... Бошқа айтганларига мункир бўлибдур».

Шундан ҳам Беҳбудийнинг иймон иродаси, рақибларига қарши курашлардаги жасорати, қобилияти яққол кўринади... Бугина эмас, унинг сохта динчиларга қарши курашлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Мана миллий, маънавий қадриятларимизнинг бугунги аҳамиятларидан бир лавҳа!...

**Аҳмад АЛИЕВ.**

### Шундай инсонлар бўлган...

# 2. ФИДОЙИЛАР

*Кашта тикдим...*

*Маданият*

## НЕМИС ДИЁРИДА КОНЦЕРТ

**Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент Давлат консерваториясининг профессори Феруза Абдураҳимова бошчилигидаги чолғу асбоблари Камер оркестри жамоаси бундан уч йил аввал ҳам Шарқ ва Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Германиядаги немис-француз ёшлари маркази томонидан ўтказилган фестивалда муваффақиятли иштирок этган эди. Бу сафар эса улар Германиянинг Берлин, Дейциг, Веймар, Дрездан, Шварценберг, Эйфорд каби шаҳарларида мусиқа ниҳоятда тараққий этган Австрия, Америка, Швейцария каби мамлакатлардан келган мусиқачилар билан ёнма-ён концерт бердилар. Айниқса Фрайбург шаҳридаги Биби Марям черковида бўлиб ўтган концертда ўзбекистонлик мусиқачиларнинг ўз миллий чолғу асбобларида қадимий немис мусиқасини қойилмақом қилиб ижро этганликлари санъат шинавандаларига жуда манзур бўлди. Немис диёридаги бундай учрашувлар табиийки, Шарқ ва Ғарб маданияти санъати ва мусиқасини янада уйғунлашиб бир-бирига яқинлашувига омил бўлиб хизмат қилади.**

**Наргиза ЮСУПОВА.**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

**БИШКЕК. «Кумтор-оперейтинг компани» Қирғизистон-Канада қўшма корхонасининг боши ғалвадан чиқмай қолди, деб хабар беради «КАБАР» ахборот агентлиги. Қирғизистоннинг Барскаун дарёсига цианид моддаси ортилган юк машинасининг ағдарилиб кетганидан сўнг аҳоли орасида заҳарланиш ҳоллари рўй берган эди. Устига устак цианидни зарарсизлантириш учун Иссиққўлга тўкилган хлор ҳам хлорцианид заҳарли моддасини ҳосил қилди. Натижада атроф муҳит ва одамларга етаётган зарар янада кўпайди.**

**Яқинда эса мазкур қўшма корхонага қарашли автоцистернанинг ёрилиб кетиши оқибатида серқатнов йўлга 70 литр хавфли азот кислотаси тўкилган.**

***

Тожикистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг тўрт ходимини ўлдирилиши жаҳон жамоатчилигида қаттиқ ташвиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан АҚШ, Эрон, Германия ва бошқа бир қанча давлатлар жиноятчиларни аёвсиз жазолашни талаб қилганлар.

* * *

**БМТнинг Тожикистондаги вакили Ян Кубеш республика раҳбарлари олдига Тавилдарада содир этилган фожеанинг айбдорларини ўн кун ичида топишни қўйган. Акс ҳолда у халқаро ташкилотнинг бу ердаги миссияси бўлиш-бўлмаслиги масаласини кўриб чиқишни ўртага қўйишлигини айтган. Ян Кубеш жиноятчиларни топишга мухолифатни ёрдам беришга чақирган. Бунга жавобан Саид Абдулло Нурий жаноблари бу ишда мухолифат томони кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирган.**

*Sport • Спорт • Sport • Спорт •*

### АКРОБАТИКА

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида акробатика бўйича 4-Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон спортчилари билан бирга 18 нафар ҳамюртимиз иштирок этди. Республика терма жамоаси бош мураббийси А.Очилов ва мураббий Моҳира Қодировалар раҳбарлигида вакилларимиз барча машқларда бир хил қатнашиб, 14 та бронза медалини қўлга киритишди ва умумжамоа ҳисобида ҳам учинчи ўринни эгаллашди.

Қизлар ўртасидаги жуфтлик машқларида тошкентлик динамочилар Наргиза Қодирова ҳамда Малика Йўлдошева, ўғлонлар жуфтлигида эса Дамир Шаипов ва Зуфар Аҳмедов учинчи ўринни эгаллашди. Аралаш жуфтлик баҳсларида Нина Саргина ва Виталий Леонтьевлар ҳам бронза медалига сазовор бўлдилар. Қизлар учлигида андижонлик Люция Чинакаева, тошкентлик Евгения Лушникова, Любовь Саргиналар ҳам ана шундай натижа кўрсатишди. Худди шундай соврин ўғлонлар тўртлиги-фарғоналик Аваз Ҳасанов, тошкентлик Нуржигит Дусенов, Дилшод Жалилов, Тоҳир Хўжаевларга ҳам насиб этди. Энди терма жамоамиз октябрь ойида Минскда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрмоқда.

### БАЙДАРКА ВА КАНОЭ

Шу ой ичида байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларимиз турли мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Дастлаб байдарка ва каноэ бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Польшанинг Познань шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубогида ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. Ҳамюртларимиз ушбу нуфузли мусобақаларнинг биттадан олтин, кумуш ва бронза медалига сазовор бўлишди. 500 метр масофага икки кишилик қайиқда эшкак эшиш борасида вакилларимиз марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтишди. Чирчиқдаги 1-РОУБЮ талабалари Дмитрий Сацкий ва Дмитрий Севастьянов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Бу спортчиларимиз 1000 метр масофада иккинчи, 500 метрли пойгада эса учинчи ўринни эгаллашди.

Шунингдек, Италиянинг Милан шаҳрига 28 та мамлакат спортчилари тўпланишди. Бу мусобақа кузда Венгрияда ўтажак навбатдаги жаҳон чемпионатига саралаш турнири бўлди. Худди шу ерда келаси йили Сидней Олимпиадасига берилувчи йўлланмалар эгалари ҳам аниқланади.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирида 12 нафар ҳамюртимиз ҳам иштирок этди. Терма жамоамиз аъзолари финалгача бўлган дастлабки мусобақаларда муваффақиятли қатнашдилар.

Лекин финал ниҳоятда кескин спорт курашлари остида ўтди. Терма жамоамиз аъзоларидан фақатгина байдаркачи қизларимиз яхши натижа кўрсатишди. Инна Исакова, Ирина Лялина, Антонина Москалева ва Оксана Шпиганевиядан иборат байдарка тўртлиги 200 метр мусофани олтинчи бўлиб «сузиб» ўтишди. Улар 500 метр масофада маррага еттинчи бўлиб етиб келишди. Байдаркачи эркаклар ўртасида тўрт кишилик қайиқларда 200 ва 500 метр масофаларга бўлиб ўтган пойгада вакилларимиз 9-бўлишди. Худди шундай натижани икки кишилик каноэда 1000 метрга эшкак эшувчи йигитларимиз ҳам кўрсатишди. Яккалик каноэда спортчиларимиз 7-ўрин билан кифояланишди.

### ГИМНАСТИКА

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган ушбу мамлакат очиқ чемпионатида иштирок этган вакилларимиз бир қанча медалларга эга бўлишди. Тажрибали спортчимиз Оксана Чусовитина таяниб сакраш, қўшпоя машқлари ва кўпкурашда олтин медалга эришди. Светлана Баҳреддинова эса ҳар қайси турда кумуш медалга сазовор бўлди. Рената Ҳабибраҳмонова эркин машқда биринчи, кўпкураш баҳсларида учинчи ўринни банд этди.

### І ЁШЛАР ЎЙИНИ ДАСТУРИ

І Ёшлар ўйинлари дастурига кўра миллий курашнинг Фарғонча усули бўйича мусобақалар ўтказиш кўзда тутилган эди. Ана шу беллашувлар яқинда Учқўрғон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда қатор вилоятлардан келган ёш полвонлар кураш олиб бордилар. Эпчиллик ва маҳорат бобида рақибларига нисбатан кучли эканликларини намойиш қилган наманганлик спортчилар 8 вазн тоифаси бўйича мутлоқ ғолибликни қўлга киритдилар. Улуғбек Садиров, Улуғбек Абдуллаев, Абдулҳафиз Пирматов, Ғофур Абдуллажонов, Шуҳрат Бозоровлар шулар жумласидандир. Турнир якуни бўйича наманганлик спортчилар биринчи, Фарғона вилоят вакиллари иккинчи, Андижон ва Тошкент вилояти спортчилари учинчи, тўртинчи ўринларни эгалладилар.

**Довиёр ЮСУПОВ,**
**шарҳловчи.**

**ПКФ «Комплект»** хусусий фирмаси тугатилади.
Даъволар муддати - бир ой.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси Марказий Қўмитанинг бўлим мудири Тошпўлатов Абдураҳим Мовлоновичга оналари **Иқболхон ая ТОШПЎЛАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИШОНЧ
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг нашриёт

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририятимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр курсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Абдулла АЙИЗОВ 1 2 3 4 5 6